

Султон Аҳмад масжиди



11:02 / 16.01.2024 2999

Истанбулда Султон Аҳмад I (1603-1617) даврида олти минорали Султон Аҳмад масжиди, яъни Кўк масжид қурилган. Ҳа пайтда Маккадаги биргина Масжидул Ҳаромда 6 та минора бўлган, қолган барча масжидларда эса уларнинг сони камроқ эди.

Масжид биноси 20 000 дан ортиқ Изник кошнлари билан безатилган.

Масжиднинг намозгоҳи 64x72 метр, 43 метр баландликдаги марказий гумбазнинг диаметри 23,5 метр. Масжиднинг ички қисми 200 дан ортиқ рангли ойналар билан ёритилган бўлиб, унинг ёзувлари Диёрбакрлик Саййид Қосим Губарий томонидан ёзилган.

Султон Аҳмад масжиди 1609-1616 йиллар оралиғида Султон Аҳмад I

буйруғи билан меъмор Седефкар Меҳмед оға бошчилигида 7 йилу 5 ой 6 кунда қурилган.

Султон Аҳмад I ўз даврида ўзига келган қимматбаҳо совғаларни ушбу масжид меъморчилигига сарфлаган.

Султон Аҳмад масжиди қурилиши тугаллангач, Султон Маккадаги масжидга **“рақобатлашадиган”** масжид қурдиргани учун мусулмонлар оммаси томонидан қораланади. Ортиқча гап-сўзларни олдини олиш учун Султон миноралардан бирини бузишга қарор қилади.

Аммо унга Кўк масжиддаги минорани бузиб ташлагандан кўра, Масжидул Ҳаромда яна битта минора қуриш тавсия қилинади. Натижада Султон Аҳмад Масжидул Ҳаром масжидида еттинчи минора қуришни буюради.

Шу тариқа фазл ва миноралар бўйича устунлик яна Масжидул Ҳаромда сақланиб қолади.

ТИИ Ҳадис ва ислом тарихи фанлари кафедраси
катта ўқитувчиси Пўлатхон Каттаев